




Ҳаёт йўли нихоятда мураккаб. Ёш бўлса-да бунини у эрта англади. Шифокор бўлиш истаги мактабда ўқиб юрган давлардаёқ бир воқеа сабаб бўлиб, азалий орзусига ўз муҳрини босди. Уша кунни эслаганда юраги орқасига тортиб кетади. Бу воқеа 2005 йилда, айна янги йил арафасида содир бўлганди.



Айтиш жоизки, аъзоларимиз орасида истеъодли ёшлар кўпчиликини ташкил қилади. Биз улар кўмағида ҳам турли тадбирлар ўтказиб боришга эътибор қаратганимиз. Жойларда турли мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари, шерхонлик кечалари, айтишулар аъзолар дунёқарашининг янада кенгайишига сабаб бўлмоқда.



— Орзусиз яшаб бўлмайди, албатта. Асосий орзум — доимо рингда бўлиш. Қариб-қартайиб қолганимда ҳам фахрийлар орасида бўлишни, мусобақаларда фаол иштирок этишни хоҳлайман. Ҳаётимни ўзгача тасаввур эта олайман. Хозирги кунда Ханафари Пандели мендан кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони унвонини тортиб олиш учун матч-реваншга ҳозирлик қўраётганидан хабардорман. Мақсадим — чемпионлик камарини сақлаб қолиш.



Ishonch

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамisha биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Ислоҳ КАРИМОВ

2008-йил 1-ноябр, шанба №134 (2547)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-йил 21-martdan chiqqa boshlagan

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати

Орол ва Каспий денгизлари оралиғида жойлашган Устюрт кенгликларининг табиий газ, нефть ва конденсат захираларига бой. Чексиз дала-лашларда кеча-кундуз тер тўкаётган геологлар ёроти бойликларини топиш учун фидойилик кўрсатмоқдалар. Худуди 166,6 минг квадрат километр бўлган Қорақалпоғистон заминида Менделеев даврий жадвалига кирувчи деярли барча элементлар мавжуд. Кейинги йилларда бу ерда йилга 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариладиган Кўнгирут сода заводи, Хўжайли шиша тайёрлаш корхонаси, «Элтекс» каби замонавий мажмуалар барпо этилди.

Устюртда янги мажмуа

— Устюртнинг Ошулақ шаҳарчасида йирик газ-кимё мажмуаси қурилади, — дейди Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вакили Сейитмурод Бекимбаев. — Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл» компаниялари, Жанубий Кореянинг нефть-газ корпорацияси билан ҳамкорликда қидирув ишлари олиб борилапти.

Айни пайтда Кўнгирут сода заводи қошида Тошкент кимё-технология институтининг 4 та йўналиши бўйича мутахассис тайёрловчи сиртки бўлими очилиб, 200 дан зиёд йигит-қиз таълим олмақда.

Қорақалпоғистондаги мажмуанинг қуввати ҳозирги пайтда 2500 дан ортиқ киши ишлаётган ва миллионлаб тонна маҳсулотни хорижга экспорт қилаётган Шўртан газ-кимё мажмуиникидан 2,5 баравар юқори бўлади.

Ташкилот раҳбари, сенатор Алишер Султонов бултур май ойида корхона негизида янги газ-кимё мажмуаси учун мутахассислар тайёрлаш таклифини ўртага ташлади ва у республика раҳбарияти томонидан маъқулланди. Юзлаб даввогарлар билан яқма-яқма суҳбат ўтказилиб, жорий йилнинг июнига қадар 50 нафар мутахассис саралаб олинди.

Уч йил аввал Тошкент давлат техника университетининг нефть ва газ иши факултетини тугатган 28 ёшли Мирас Матмуродов жорий йилнинг апрел ойидан бери корхонанинг иссиқлик жараёнлари қурилмасида, мазкур университетни яқинда тугатган хоразмлик Хурсандбек Матназаров этилен цехида кузатувчи-стажер бўлиб ишлаяпти.

Кўнгирут сода заводида уста ва цех бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлаган Абдамбет Азимбетовнинг жамоа келганига бир йилдан ошди.

— Энг муҳими, ходимлар учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган, — дейди унинг рафиқаси Рая Давлетназарова. — Нуристон шаҳарчасидаги газ-кимё мажмуаси томонидан барпо этилган кўп қаватли уйда яшаймиз. Касаба уюшма кўмитаси йўлланмаси билан ўғлим ёғги таътилда Туркиянинг «Пинара» оромгоҳида дам олиб келди.

2008 йил феврал ойида Ортбошимизнинг Корея Республикасига расмий ташрифи чоғида «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси ва Корея газ корпорацияси иштирокида «Uz-Kog gas chemical» қўшма корхонасининг таъсис шартномаси ва низоми имзоланди. Жорий йилнинг май ойида ушбу корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Режалаштирилётган лойиҳа қуввати бир йилда 4 миллиард кубометр газни қайта ишлаш ва 362 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропан ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Иззат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Мусоҳаба

— Инсон дунёга яшаш учун, яна ҳам тўғрироғи, яхши яшаш ва иложи борица узоқ яшаш учун келади. Кўп асрлик ушбу орзу мустақиллик йилларида ушала бориб, 90-йилларга нисбатан одамлар 6-7 йилга қадар кўпроқ умр кўра бошлашди. Бу, аввало, мамлакатда юз берган иқтисодий юксалишлар билан боғлиқ бўлиб, айна вақтда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг натижаси ҳамдир. Озодахон Анаваровна, ижозатингиз билан суҳбатимизни ана шу нуқтадан бошлашсиз.

— Соғлом тан ва соғлом тафаккуринга инсонни бахтли қилади. Давлатимиз сийбосининг асосий йўналиши ана шу нуқтага назарни кенг олма онгига синдириш, буюк ишларга қодир соғлом авлодни воёга етказишга қаратилган бўлиб, истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ бошланган саяй-харакатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда ўртача умр айна пайтда 70-72 ёшни ташкил этади.




Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўзингиз қийслаб кўринг. Ҳаммаимиз иссиқ жонимиз, яқин-яқинларда эт-бетимиз оғри-са, шифокор ёзиб берган рецетп бўйича қанчадан-қанча дорихоналарни изғиб чиқардик ва ҳатто таниш-билишларни ўртага қўйиб муолажа-

Л.А. Костанов номидаги Чирчиқ «Электримёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тарихи узун. Ҳозир қатор саноат корхоналари иқтисодий танг ҳолатни бошдан кечириётган бир пайтда ҳам, бу ерда иш гурқираб давом этмоқда. Корхона замонавий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган. Талай участкалар юксак даражада автоматлаштирилган. Ишлаб чиқарилаётган 35 турдаги маҳсулотлар харидоргирлиги туфайли ҳамдўстлик давлатларидан ташқари, хорижий мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ҳар жиҳатдан иқтисодий-иқтисодий, ҳуқуқий кафолатланган катта жамоа кўлни - қўлга бериб, бир-бирига қамарбаста меҳнат қилаётир.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Истиқлол шарофати



Кўкон вокзални Фарғона водийсига темирйўл орқали қилиб келишда ўзига хос дарвоза ҳисобланади. Ҳозир бу ердаги дам олиш хоналарида қатновчиларнинг кўнгилдагидек хордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган.

Йўловчилар вокзалнинг иккинчи қаватидаги айланма фойеда ҳам вақтни мароқли ўтказишлари мумкин.

— Ҳозир бу ердан «Тошкент — Андижон», «Андижон — Бухоро» йўловчи поёвзлари ҳафта-сига қатнаб турибди. — дейди вокзал бошлиғи Раҳматжон Зоҳидов. — Шунингдек, Кўқондан

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ томонидан республикамиз ҳудудидаги вокзалларда ва йўловчи поёвзларда йўловчилар учун қулай шароит яратиш, замонавий хизмат кўрсатиш борасида кўлаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Йўловчилар учун қулайлик

Андижонга Марғилон ҳамда Наманган орқали хар кунни поёвзлар қатнамоқда. Катнов ҳавада йўловчиларнинг кўнгилдагидек хордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу даврида 67 минг 500 йўловчига хизмат кўрсатилган эди. Бу эса даромад салмоғини ҳам оширяпти. Яқин кунларда вокзалдаги таъмирлаш ишлари тугаса, бу кўрсаткич янада ўсиши, табиий.

Адҳам ДАМИНОВ



Янгиликлар панорамаси

Яқинда Словакия пойтахти Братислава шаҳрида «Худудий ва маҳаллий ривожланиш масалалари» мавзусида тренинг бўлиб ўтди. БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Қашқадарь вилоят иқтисодий бошқармаси ва Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг хузуридаги қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат ва тренинг марказининг мутахассислари ҳам қатнашдилар.

Иқтисодчилар Словакияда

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Холмурод Солиевнинг таъкидлашича, ушбу тренингни ўтказишдан мақсад маҳаллий ҳокимликлар вакилларининг худудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастур ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги салоҳиятини юксалтиришдан иборат.

— «Худудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган ўқувларда иштирок этиб, хориж тажрибасини ўрганиб, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Раҳмат Полвонов.

Семинарда Иқтисодиёт вазирлиғи, Қашқадарь, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари вакиллари ҳам қатнашдилар.

И. ИСОМИДИНОВ

Айни кунларда Андижон шаҳар ахли ва меҳмонлари 3-йўналишида пайдо бўлган янги «Газел» русумли микроавтобуслар хизматидан мамнун. Чунки уларда йўл ҳақи бошқа транспортлардан анча арзон. Шу боис бўлса керак нижозлар ҳам кўп, режа ҳам ортиғи билан бажарилмоқда.

Ҳам арзон, ҳам қулай

«Андижон енгил таксилар саройи» очик турдаги акционерлик жамияти шундай машиналарнинг 9 тасини кредит ҳисобига сотиб олди. Агар микроавтобуслар ўз режасини шу тарзда адо этсалар, такси саройи раҳбарияти келгусида улар сонини янада ошириш ниятида.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах вилоятида янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилиш билан бирга мавжуд корхоналарни модернизациялашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

30 киши ишли бўлди

Айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш диққат марказида. Жиззах туманидаги «Махсуствинотконсерва» МЧЖ ана шундайлардан бири. Аввал Хитой, сўнгра Россия технологиялари билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган беш турдаги маҳсулот бугунга келиб фақат ички бозордагина эмас, балки хорижда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда.

Дастлаб 14 иш ўрнига эга корхонада айна кунда 30 нафар киши мумкин иш ўрнига эга бўлишди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Соғлиғимиз ўз қўлимизда, келажагимиз ҳам

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озодахон МУҲИТДИНОВА билан суҳбат

га ётардик. Бугун қадамингизда даволлаш муассасалари. Мавжуд шифохоналар халқаро андозалар даражасидаги замонавий тиббий хизмат учун зарур барча шарт-шароитларга эга, боз устига малакали врачлар томонидан ташкил этилган хусусий поликлиника ва шифохоналар эл қорига камарбаста.

Айниқса, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури туз ўзгаришлар яшаш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Маълумки, мамлакат аҳолисининг тенг ярми, ҳатто кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди. Лекин шунга қарамай тиббий хизмат ечимлас

туғунга айланган бўлиб, узоқ йиллар одамлар ушбу муаммо гирдобида ўз дардларига даво излаб, туман маркази ва ундан бу ёғига пойтахтгача бўлган йўл машаққатини бошдан кечиришга мажбур эдилар. Соҳада амалга оширилган ислохотлар туфайли ўтган қисқа вақт ичида 3100 тандан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, энг муҳими, улар малакали врачлар ва замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, кенг кўлам касб этган «Саломатлик-1» (1999-2004) ва «Саломатлик-2» (2005 йилдан бошлаб) лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ қишлоқда тиббий хиз-

матни такомиллаштириш бўйича гоаят залворли қадамлар ташланди. Яқин ва олис давлатлардан соҳа мутахассислари мамлакатимизда тўпланган тажрибага қизиқиш билдираётганликлари ҳам бежиз эмас. Ўйлаيمانки, бу хол бизни рағбатлантириши ва албатта, янада юксакроқ чўққиларни забт этишга ундаши керак. Чунки энг катта бойлик, бу инсонлар саломамлиғи. Уни авайлаб-асраб ва имкон қадар мустаҳкам-лабгина бошлаб қўйган ишларимизни поёнига етказишимиз, ўзимиз эккан ниҳолларнинг қамолини кўришимиз мумкин.

— Сиз етакчилик қилаётган тармоқ касба уюшмаси ташкилий жиҳатдан

энг жипс тизимлардан бири ҳисобланади. Лекин иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади. Айтинг-чи, айни кунларда кўпроқ ниҳолларга эътибор беришингизга тўғри келмоқда?

— Аввало шунини айтишим лозимки, бизнинг асосий вазибаларимиздан бири, бу қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармони ва ҳукумат қарорларини жойларда ҳаётга татбиқ эта бориб, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонлар — юқори малакали шифокорлардан то оддий ҳамширагача эзгуликлардан баҳраманд бўлишларига эришишдир.

Ютуқлар бор, албатта. Улар ҳақида соатлаб гапириш мум-

кин. Лекин касба уюшма етакчилари кўпроқ қилиниши лозим бўлган ишлар, мавжуд муаммолар, эътибордан четда қолган камчилик-нуқсонлар ҳақида бош қотиришни афзал кўришади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Меҳнат ахлини иқтисодий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган ташкилот учун бу табиий хол. Агар одамларга ҳар томондан қайишмасак, уларнинг ташвишларига шерик, дардларига малҳам бўлмасак, кўмак сўраб, адолат истаб келган кишиларнинг умидини рўёбга чиқара билмасак, «Инсонга нафр келтириш — олий бонга» деган шioriимизнинг мазмун-моҳиятига путур етказиб қўйган бўламиз. Шунинг учун бизда ҳар бир масала муҳим, уни катта-кичикка, муҳим-номуҳимга ажратиб таомилга кирмаган. Таклиф тушидими, уни муҳокама қилиб, «ха» ёки «йўқ» де-қижа жавобимизни берамиз, шикоят ёзилдими, мутахассисларни жалб этган ҳолда, жойига бориб ўрганамиз. Бу биз учун — қонуи, бу бизнинг сигнал иш услубимиз.

(Давоми 2-3-бетларда)

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА

«Хамшира — 2008» кўрик-танлови совриндори



Бувисининг дуосини олган

Малика бугун ҳам одатдагидек барвақт турди. Ва бевисининг дуосини олган. Эрта турида ҳосият кўп, қизим, — деганди бувиси. — Бу соғлиқ учун фойдали. Бунинг устига ишингда унум бўлади.

Ҳаёт йўли ниҳоятда мураккаб. Ёш бўлса-да бунинг устига эрта англади. Шифокор бўлиш истаги мактабда ўқиб юрган давлардаёқ бир воқеа сабаб бўлиб, азалий орусига ўз муҳрини босди. Уша кунни эслаганда юраги орқасига тортиб кетади. Бу воқеа 2005 йилда, айна янги йил арафасида содир бўлганди.

Онаси Гулчехра опа негандир ишдан қайтавермади. Бувиси Сожида ая қизининг кечга қолганидан ҳавотирлана бошлади. Малика ҳам ўзини қўярга жой топа олмади. Дастлаб яқинлари юз берган фалокатни ундан яширишди. Кейинчалик маълум бўлди. Торт харид қилиб, уйига қайтаётганда онасининг машина уриб кетган экан.

Гулчехра опа касалхонада вафот этди. Ҳар қанча дод-фарёд қилмасин, унинг қўлидан ҳеч нима келмади. Шунда ёш қиз, албатта, шифокор бўламан, дея ҳақ қилди.

Бу ният уни Ангрен тиббиёт билим юртига етаклаб келди. Ҳар қанча истагани бўлсин, 2006 йили Юқори Чирчиқ туманидаги Марказий шифохонада ишлаш бошлади. Бу шифокор Дамира опа Ешимбетова билан бўлган сўхбат ёш қизнинг шуғурда бўрилиш ясади. Дамира опа Маликадаги қатъият ҳамда интилувчанлик каби хислатларни сезиб, унга ишонч билдирди. У «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлимига терапия хамшираси этиб тайинланди.

Табийки, ёш бир ниҳолнинг томир отиб, кўкка бўй чўзиши ҳамда мевага кириши учун унга меҳр ва ишлов керак. Катта хамшира Нилуфар Фозилова унга хамширалик сирларини кунт билан ўргатади.

— Шифохонага инсонлар ўз дардларига даво излаб келишади. Бунинг устига уларнинг кўнгли ниҳоятда нозик. Сен муолажа қилиш билан бирга, ширин сўзингни ҳам аяма. Шунда уларнинг оёққа туриб, қаттиқ тилишлари тезлашади, — деганди устози.

Иш фаолияти давомида ёш хамшира шифокорлар Ҳикматиалла Бегимов, Моҳира Мираҳмедова, Раъно Мирбобоевадан кўп нарса ўрганди.

Ҳаёт — инсонни ҳар бир қадамида имтиҳондан ўтказиб туради, деган эди бир донишманд.

Малика 2007 йилда туманда ўтказилган хамширалар кўрик-танловида голиб чиқиб, Бухоро шаҳрида бўлиб ўтказилган «Хамшира — 2008» кўрик-танловида йўлланма олди. Бошланишида ҳаяжонланди. Ахир, республика бўйича танлов бўлса. Устозларининг ўғитлари унга далда бўлди ва кўрик-танловда фахрли 2-ўринни эгаллади.

— Бу муваффақият ўзимга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Устозларим Дамира Ешимбетова, Нилуфар Фозилова, Матлуба Миртурсуноваларнинг берган сабоқлари ниҳоятда кўп келди, — дейди Малика Махсудова.

Мазкур кўрик-танлов Малика тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Унга Фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар билан бир қаторда Тошкент тиббиёт академиясининг олий маълумотли хамширалик бўлимига йўлланма ҳам берилди. Айни вақтда у талаба.

Малика Махсудова бувиси Сожида аянинг ўғитларини бот-бот эслаб кўяди. Ҳар гал уни кўришга борганда маслаҳатини олади. Бувиси эса набирасининг ютуқларидан маннун бўлиб, дуога кўл очади.

Неъмат РАФИКОВ, «Ishonch» муҳбири

Суратда: «Хамшира — 2008» кўрик-танлови совриндори Малика Махсудова (чапдан учинчи).

Репродуктив саломатлик

Соғлом бола жамият, оила таянчи. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш давлат эътиборига олинган. Бундан ўн йил илгари ана шундай хайрли юмушга киришилганди. Бу борадаги ижобий сиқлишлар кўзга ташланиб қолди.

Фарзанд камалида миллат, халқ яшайди. Авлигин, онанинг дунёдаги энг олий тилаги фарзанд. Фақат зурриёдинна оилга чинакам бахт ва тўқислик тўхфа этиши мумкин. Бироқ саломатликка безътиборлик ноҳис, ноумкаммал бола туғилишига олиб келишидан ҳам кўз юйиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатни ҳар бир аёл шуғурга сингдириш ҳаётий эҳтиёж. Аммо турмуш сўқмоқлари хамиша раван, текис эмас. Бу йўлда қўқилганлар бор. Кечяги кундан армон, ўтмишдан гина-қудрати, армони борлар оз эмас ораминда. Ёши олтимини қоралаган, сочларига қировинган онахон ҳузуримизда бўлиб, ўз ўтмишидан сўз очди. Онахоннинг қисмати кўпчиликлса сабоқ бўлар, дея ушбу мавзуга кўл урди.

Тўнғичи туғилганда... Чақалокни кўлга олди-ю юраклари орқасига тортиб кетди. Жажжи гўдак туғма кўр эди. Онаизор аламини кўз

Армони борлар оз эмас

ёшидан олди. Илк бора турмушига совуқчилик оралади. Қаттиқ куйинган экан шекилли, узок йиллар фарзанд кўролмади. Анча фурсат ўтгач, яна хомиладор бўлди. Тугди ҳам. Кўринишидан буниси соғломдек эди. Аммо фурсат ўтгач билдики, оёқлари ишламас экан. Кейинги гўдакларини барвақт тупроққа топширди. Қисматни қарангки, икки гўдак билан эр ҳам ташлаб кетди. Икки ногиронли тақдирга тан бериб улғайтирди. Давлатимиз бу аёлни ўз холига ташлаб

қўймади. Ижтимоий нафақа билан таъминлади. Турмушда камчилик йўқ. Фақат кўнгли ярим. — Расмий идораларнинг бирига юмуш билан келгандим, — дейди онахон. — Ишимни тезда битириб беришиди. Улар ҳам таниб қолдишди. Кўлдан келганича кўмак беришади. Қисматдан куйган аёлга ичимиз ачишади. Унга аядек кўнгли ўқисишга йўл қўймаслик қатъий вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Биргина Самарқанд вилоятида ўтган ярим йилда 26 ярим миң нафарга яқин чақалоклар кўриқдан ўтказилган. 5347 нафар хомиладор аёллар эса ирсий нуқсонлар бўлган хомидаларини эрта аниқлаш назоратидан, 22 ярим миң нафар хомиладор

юртбошимизнинг шу йилнинг 18 июнидаги «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорини ўқиб бераман. Онахон кўзига ёш олади. Ёши ўтиб қолганидан ўқинади. Шу даврлар бўлганда мен ҳам соғлом фарзанд кўрадим, бу имкониятлардан фойдаланардим, дейди кўзлари жижқа ёшга тўлиб. Дарҳақиқат, юртимизда ҳеч бир аёлниинг Сожида

Фаолиятимизни «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг IV Қурултойи қарори ҳамда ҳаракат Дастури бажарилишига йўналтириб, ходимларимизни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ҳимоя қилишга қаратганмиз.

Тиббиёт-профилактика муассасаларида ишловчи ходимларга ҳафтасига 36 соатлик иш вақти, икки ва ундан ортқ 12 ёшгача ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга 3 кундан кам бўлмаган қўшимча таътил берилиши жорий қилинган. Жумладан, вилоят «Исск сув» физиотерапия касалхонасида касаба уюшма аъзолари йилига 1 марта бепул даволаниб, 13 ёшгача боласи бор аёллар амбулатория хизматидан 20 фоиз чегирма

циядорлик жамияти, тез тиббий шошилиш ёрдам илмий маркази, корхона ва ташкилотларда ўтказаетган семинар ҳамда ўқувлар яхши самара берапти. Қолаверса, раҳбар ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига масъулияти оширилаётганлиги айни мuddао бўлмоқда. Бунинг наслиҳати уларок 43 та тиббиёт муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш шaroити яхшиланди. Йил давомида муассасалар маъмурияти томони

Жамоа шартномалари амалда

Қоғозга тушгани яхши

лекин ҳамма гап ижрода

асосида фойдаланиб келмоқда. Ҳар бир тиббий ходим қаерда ишлай оёки яшайдан қатъий назар оёкига соф фойда ҳисобидан 100 вт электр-энергиясидан бепул фойдаланмоқда.

Шаҳардан қатнаб ишловчи ходимларга махсус автотранспорт ажратилган. Ёки унинг ўрнини қоплайдиган даражада йўл қира хақи тўланмоқда. Кам таъминланган оила болаларига дарсликлар олиб бериш йўлга қўйилган. Оилавий тантаналар, маросимларни ўтказиш учун кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга бир минимал иш хақи миқдоридан моддий ёрдам ва 3 кундан 10 кунгача иш хақи сақланган таътил беришмоқда.

Кези келганда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига жиддий эътибор қаратилётганлигини таъкидлаш лозим. Бу борада тармоқ кенгаши вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда касалхона, диспансер, вилоят «Тибхотима» ёпиқ турдаги ак-

дан меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида 54,5 миллион сўм сарфланди.

Бирок камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Қўнчилик тиббиёт-профилактика муассасаларида, айниқса, ошхона, ювчи хоналари, лаборатория, марказий стерилизация пунктларида қўл меҳнатини энгиллаштирувчи кичик механизмлар жорий қилинмаган. Боз устига, меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари оилак маошларини кўтариш масалаларига эътиборни қучайтириш зарурати туғилмоқда. Бизнингча, меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари, бурчаклари учун керакли кўрғазмалар қуруллар, зарур плакатлар, соҳага доир қўлланма ва адабиётлар ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини харид қилиш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айтмоқчиманки, қоғозга тушгани яхши, лекин ҳамма гап ижрода. Биргина мисол келтирайман, ҳушасини ўзингича чиқаринг.

Ғиждувон тумани «Боғишамол» кишлоқ врачлик пунктининг мудири Зайниддин Эса-

нов 2008 йилнинг 19 апрел кунини ишга келаятиб, бу кун унинг охириги иш кунини эканлигини қаердан билсин. У хабарномага асосан беморни аҳолидан хабар олиш учун чақирувга бораётган пайтида автохалокатга учраб, бу дунёни тарк этди.

Вилоят давлат техник назоратчиси бошчилигида тузилган махсус комиссия томонидан автохалокат ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлиги тасдиқланган, Н-1 шаклдаги далолатнома тузилди ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаллиқларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисида қарорларни қабул қилишга қўйилган зарарни тўлаш қондалари»га асосан марҳумнинг оиласига бир мартилик тоvon пули ва боласи 18 ёшга тулганга қадар ҳар ойда тўланадиган нафақа тайинлаш тўғрисида тасвинома берилди.

Аммо бу тўловлар пайсалга солиб келинганлиги сабабли марҳумнинг турмуш ўртоғи Ш.Қурбонова вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари

касаба уюшма кенгашига ариза билан мурожаат қилди.

Узоқ тортишувлардан сўнг ҳақиқат қарор топди. Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг аралашуви, вилоят молия бўлимининг сый-ҳаракатлари тўғрисида марҳумнинг оиласига бир марталик тоvon пули — 14 миллион 134 миң сўм ундириб берилди ва боласи 18 ёшга тулганга қадар ҳар ойда 39261 сўм нафақа тайинланди.

Бир қарашда бу иш рисоладагидек амалга оширилди гўё. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Эндигина 52 ёшни қаршилаган бир инсон эрта сўнган юлдуз каби оламдан ўтди. Унинг орқасида бир муштира аёл, 3 нафар фарзанд етим бўлиб қолди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш инсон саломатлиги билан боғлиқ экан, бу муҳим вазифа ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги керак.

Шавкат СУЛТОНОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси

Ибрат
Бугун қайси бир кишлоқ врачлик пунктларида бўлсанг у ердаги шарт-шароит, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» лойиҳаси ва бошқа хамширалар қўмағида қилинган ишларни кўриб, қўнглингиз тўлади. Ҳар жабҳада тўб ўзгаришлар юз бермоқда.

ҚВПлар узоқни яқин қилди

Жумладан, 133 та ҚВПлар қайта таъмирланиш эвазига ишга туширилган бўлса, 106 таси янгидан қурилди. Уларнинг барчаси янги тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Чунинчи, 2006 йилда «Саломатлик-2» лойиҳаси талаблари асосида барча ҚВПларимизда қайта таъмирлаш ишлари ўтказилди. 189 та ҚВПларга 142 миллион 600 миң сўмлик мебеллар келтирилган бўлса, уларга 786 миң АҚШ долларлик тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди. Ишлаётган 605 нафар врачлардан 206 нафари умумамалиёт билан машғул. Уларнинг 58 нафари 3 ойлик, 119 нафари 10 ойлик малака ошириш курсларидан ўттишган бўлса, 29 нафари тиббиёт олийгоҳларидан умумамалиёт врачлари бўлиб келишган. Ҳозирги кунда фаолият курсатаётган 50 нафар врач Тошкент шаҳрида умумий амалиёт врачлиги бўйича 10 ойлик ўқув курсида малака оширишмоқда.

Шунингдек, аҳоли билан ишлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда бир қанча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида иш олиб боришмоқда. Бу борада Узн туманидаги «Серхаракат», Қумқўрган ва Бойсун туманларидаги «Пахтабод», «Сариосиё» ҚВПлари барчага намуна бўлмоқда. Улар касалликларнинг олдини олиш бўйича маҳалаларда долзарб мавзуларда сўхбатлар ва учрашувлар ўтказишмоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакики, патронаж хамшираларининг меҳнатлари катта-ю кичикни хурсанд қилмоқда.

Илгари туман марказларидан 30—40 чақирим олис кишлоқлардаги беморлар шифо ис-таб, туман шифохоналарига келишарди. Улар бугун бу муаммолардан қутилишган.

Парда БОДИМЕРОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари



Суратларда: Фаргона вилояти Фаргона тумани «Ёрдам» кишлоқ врачлик пункти.

(Боши 1-бетда)

Хуллас, ечимини қутаётган, мунтазам равишда ўрганиш, таҳлил этиш, назорат қилиш лозим бўлган масалалар анчагина. Масалан, тоҳануз нодавлат ташкилотларнинг ҳаммасини ҳам сафимизга жалб этолганимиз йўқ. Бу қанчадан-қанча ходим ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясиз қолмоқда, деганидир. Ёки бўлмаса, тиббиёт ходимлари ва мижоз ўртасида этика ва деантология тамойилларига оғишмай амал қилишни йўлга қўйиш, ёш кадрларни ўз ишига садокат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий ва маърифий билимларини ўстириш масалалари ҳам гоят муҳим бўлиб, у бевосита касаба

бордан четда қолмаслиги учун астойдил ишлаш, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги ижросини таъминлашга ундайди.

— Тармоқда фаолият кўрсатётган ходимларнинг аксарияти олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир. Бинобарин, улар билан мулоқотга киришадиган касаба уюшма етакчиси ҳам билимдон, зукко ва ҳаёт тажрибасига эга бўлмоғи зарур. Бунга уларнинг малакасини ошириб бориш билангина эришиш мумкин. Ушбу масала тармоқда қандай ҳал этилмоқда?

ҳосил қилган бўлишлари даркор.

Бундан ўн йил муқаддам ишга тушган ЎзқУФК ўқув маркази айна шу мақсадга хизмат қилади ва табиийки, барча тармоқлар вакиллари каби соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма етакчилари ва фаоллари айнан шу ерда ўз малакаларини оширишмоқда.

Ўқув машғулотларини тасдиқлаган дастур бўйича ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, маъруза мавзулари асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорлари билан ҳамда улардан келиб чиқадиган бирламчи вазифалар, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси,

Соғлиқимиз ўз қўлимизда

уюшмалари аралашувини тақозо этади.

Бирон-бир жабҳа йўқки, касаба уюшмалари эътиборидан четда қолган бўлса. Меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, адолатли иш шартлоларини яратиш, зарурат туғилганда ишловчиларнинг ҳақ-хуққини маҳкам туриб ҳимоя қилиш шулар жумласидандир. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан ўз вазифасига тикланган, мажбуран бекор юрган кунлари учун моддий ва маънавий зарар ундириб берилган кишилар қанча. Уларни муносиб ҳимоя қилиш учун ҳам қатъият ва қучли билим керак бўлади. Ўқув-семинарлар ва турли анжуманларда ана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилиши шундан.

Биз бир ҳақиқатни хамиша ёдда тутишимиз даркор. Касаба уюшмалари — жамоат ташкилоти. Ўз-ўзиндан аниқлашмоқда, у бутун фаолиятини меҳнатқашлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда юритиши лозим. Бу эса ҳаёт олдимизга қўяётган ҳеч бир масала диққат-эъти-

— Маънавий ва маърифий жиҳатдан изланишдан тўхтамайдиغان, хамиша янги билимларга чанқоқлик билан интилган одамларгина лозим пайтда ўз «эгаллигини» намоён қила олади ва бошқаларни ҳам ундан баҳраманд этишга қодир бўлади.

Давр касаба уюшма етакчилари ва фаоллари олдига жуда катта вазифалар қўймоқда. Бинобарин, улар кенг билимли, мустақил фикрлайдиган, ўз соҳасини ва касаба уюшма муаммоларини чуқур биладиган, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя шаклларидадан фойдалана оладиган, иш бевуқилар, давлат, ҳужалик ва маъмурий органлар билан музокаралар олиб бориш салоҳиятига эга бўлган, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни таҳлил этишга қодир, энг муҳими, жамиятда юз берадиган ҳар қандай қарама-қаршиликларни ҳуқуқий йўл билан ҳал қилиш услубини эгаллаган, ижтимоий шерикчилик механизминини барпо этиш ва йўлга қўйиш учун етарли даражада қўнқима

меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг фаолияти, жамоа шартномалари ва қилишувлари, аъзолик афзалликларини асослаш омили, касаба уюшмаларида ишни режалаштириш, иш юритиш ва ижро интизомини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, касаба уюшмаларининг ягона молиявий сибсати, миллий ўзлигини аниқлашда касаба уюшмаларининг ўрни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ташкилот олдида турган вазифалар ва ҳоказоларга бағишлангандир.

Ўқув марказида охириги беш йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касаба уюшма кадрлари ва фаолларидан 489 нафари ўқитилди ва табиий ҳолки, бундай ўқувларга биринчи навбатда янги сайланган касаба уюшма етакчилари жалб қилинди. Шунингдек, Марказий кенгаш томонидан доимий фаолият кўрса-

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Спорт Оламида

Касаба уюшма спорти

Яқинда пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуасида курилиш ва курилиш ашёлари sanoati ходимлари Марказий кенгаши Тошкент шаҳар вакиллари томонидан «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Тармоқнинг саккизта жамоаси номидан қатнашган 96 нафар ходим енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси ва арқон тортиш бўйича баҳс-лашиб, ким зукко, ким чаққон, ким кучли эканлигини аниқлаб оlishди.

Мусобакалар якунида қуйидаги ташкилотлар вакиллари шохсупага кўтарилишди:

Енгил атлетика: 1. Тошкент илмий-тадқиқот институти, 2. «Тошкент бошплан», 3. 159-курилиш трести.

Шахмат: 1. Тошкент тажриба-механика заводи, 2. Норуда материаллари корхонаси, 3. Тошкент шахрини куриб, қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳалаш институти.

Шашка: 1. Тошкент илмий-тадқиқот институти, 2. Тошкент шахрини куриб, қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳалаш институти, 3. Тошкент тажриба-механика заводи.

Стол тенниси: 1. Ушҳаҳарсоэлик, 2.



Майдонда бунёдкорлар

Тошкент шахрини куриб, қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳалаш институти, 3. Тошкент илмий-тадқиқот институти.

Арқон тортиш: 1. Тошкент илмий-тадқиқот институти, 2. Тошкент тажриба-механика заводи, 3. Норуда материаллари корхонаси.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент илмий-тадқиқот институти спортчилари биринчи, норуда материаллари корхонаси жамоаси иккинчи, Тошкент тажриба-механика заводи ишчилари учинчи поғо-

нани эгаллашди. Беллашуларда фаол иштирок этиб, яхши натижалар қайд этган спортсеварлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бироқ мусобақа якунлангани йўқ, 5-6 ноябр кунлари турли тармоқларда сараланган жамоалар спартакиаданинг Тошкент шаҳар босқичида беллашади.

А. АҚМАЛОВ,
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

«Golden glove»нинг бошқа аъзолари, ҳозирга қадар профи-рингда барча жанглирини галаба билан тугатаётган Равшан Худойназаров (бешта жанг, бешта галаба) қозғонистонлик Денис Джумановни (уч жанг - уч галаба) енгган бўлса, Баҳром Паязов Юрий Жарковни («Чимкент» ПБК) биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

Тошошабинларга, айниқса, «Фавзал - мунаввар» клуби аъзоси Исроил Курбоновнинг хатти-ҳаракатлари маъқул тушди. У суперорган вазн тоифасида «Китек» жамоаси вакили Аваз Рустамов билан ажойиб жанг намойиш этди. Тенг курашлар остида ўтган баҳсда Исроил очколар ҳисобида галаба қозонди.

Жанглар тугаган, биз Борис Гранаткин хотирасига бағишланган профессионал бокс кечаси ташкилотчиси Омон Раҳимовдан галдаги режаларини сўрадик.

— Гранаткиннинг ўзбек боксига қўшган ҳиссаси бекий. Туринри ташкил этишдан мақсадимиз устозни хотирлаш ва ўзбек боксчиларининг маҳоратлари ошишига қайсидаги маънода улш қўшиш эди. Курдингиз, бугун олти та жуфтликда боксчилар профи-рингда ўз дебютларини ўтказишди.

Шунингдек, жангларда қатнашадиган клублар географияси кенгайди. Фарғонадан, Андижондан, Чимкентдан жамоалар келишди. Қолаверса, пойтахтнинг қатор клублари боксчилари рингга чиқишди.

Ниятимиз, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси кўмағида бу йил биринчи бор ўтган Борис Гранаткин хотира турнирини аънавий мусобақага айлантириш.

Шунингдек, 2009 йил бошларида «Биллур» профессионал бокс клуби аъзоси, иктивдор боксчимиз Бехзод Набиевнинг қитъалараро Intercontinental чемпионлик камари учун жангини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Ақмак АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Улар — бизнинг фахримиз

Мусобақа бўлаётган саройда тошошабинларнинг «Алишер, олға!», «Бўш келма!» деган даъватлари янграб турибди. Алишер эса рақибни қандай қилиб енгиси йўллариини излаш билан банд. Рақиб ҳам анойилардан эмас. Хнафари Панделли — унинг рақиб, жаҳон чемпиони, ўз унвонини ҳимоя қилиши керак.

Алишер эса кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони унвони учун рингга чиққан. Хнафари учун Тошкент бегона эмас. У бу ерга илгари ҳам келган. Ўтган йили апрелда қирғизистонлик даввогар билан рингга чиқиб, жаҳон чемпиони бўлган. Бугун унга Сирдарёнинг мўъжазгина Бахт шаҳарчасидан чиққан Алишер Абдуллаев рўбарў турибди. Хнафари Панделли — 2 марта Европа, 3 қарра жаҳон чемпиони. Хуллас, жиддий рақиб.

Бонг янгради. Олдиндан белгиланган 6 раунддан биринчиси бошланди. Алишер бирдан ҳужумга ўтди, оёқлари ва қўллари билан рақибга кетма-кет зарбалар берди, лекин юнон спортчиси тебранмади. Мудофаага ўтиб, Алишернинг очишлигини кўтди. Фақат шундан кейингина қарши ҳужумга ўтиши мумкин.

Юнон кикбоксингчиси раунд давомида вақти-вақти билан қўллари ёрдамида ўзини ҳимоя қилиб, Алишернинг зарбаларига чидади. Туртинчи раундда эса ҳужумни бошлади.

Дарвоқе, юнонлик спортчи оёқлар билан мохирона зарбалар бериш ҳадисини олган камёб истеъдод соҳибларидан ҳисобланади. Айнан мана шу усулни қўллаб, аввалги жаҳон чемпионатида қирғизистонлик спортчининг оёқларига


Маълумот учун:

Алишер АБДУЛЛАЕВ — спортнинг кикбоксинг ва универсал жанг турлари бўйича 6 марта жаҳон чемпиони. 1973 йил 3 мартда Сирдарё туманидаги Бахт шаҳарчасида туғилган. 14-ўрта мактабни тамомлаб, 1996-98 йиллари ҳарбий бурчини ўтаган.

Гулистон Давлат университетининг маданият факультетини 2006 йилда тугатган.

2003 йили Грецияда, 2004 йили Ялтада, 2007 йили Тошкентда кикбоксинг, 2006 йилда эса Россия Федерациясининг Калининград шаҳрида универсал жанг бўйича, шу йили 23 декабрда Тошкент шаҳрида профессионаллар ўртасида кикбоксинг, 2007 йилнинг ноябрида Тошкент шаҳрида ўтказилган универсал жанг бўйича жаҳон чемпионатларининг олтин медаллари соҳиб ва жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган.

2007 йилдан бунён Бахт шаҳарчасидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий.



Сирдарёлик жаҳон чемпиони

жиддий жароҳат етказган ва иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлган эди.

Афтдан, Алишер билан ҳам ўша усулда жанг қилиб, галаба қозонишни уйлаган. Бироқ Алишер унга бундай имкон бермади, ажойиб кикбоксинг санъатини намойиш қилди.

Шиддатли кенган 6 раунд уқнарига қўра, ҳар уччала ҳакам Абдуллаев устунлигини тан олдилар.

Тошошабинлар шодлиги ичларига сигмайди! Фотожурналистлар тасвирлашга қалам охирик қиладиган бу тантанани тасмага муҳрлаб қўйишга шошилдилар... Кейинроқ Хнафари Панделли тан олиб, шундай деди:

— Ўтказганим менга алам қилмайди, муносиб рақиб чиққанидан гоётда хурсандман.

Биз Алишерни сўбатга тортамиз.

— Катта спорт нималаридир қурбон қилишни тақозо этиши аниқ, — дейди чемпиони. — Кўп вақтим машқларда ўтади. Табиийки, оила аъзоларим мени камдан-кам кўришади. Бошқа пайларда эса, ҳамма қатори мен ҳам турмуш юмушлари билан банд бўламан.

Сўнг мушоҳадага берилди.

— Биласизки, ёшлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар кимгадир ихлос қўйиб яшашни орзу қиладилар, улардан ибрат олсам, мен ҳам шундай бўлсам, дейдиганлар кўп. Бу эса чемпионга янада катта мажбуриятлар юклайди.

Узимга келсак, менинг ҳам муаммоларим ва ҳаётим тамойилларим бор. Айримлар кикбоксингчиси, демак, раҳи-шафқатсиз, бераҳи ва ҳаждор бўлса керак, деб ўйлашди. Ҳаётда хушфелъман.

— **Оилангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўтган йилнинг адоғида ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди. Чемпион бўлишимдан уч кун олдин уйландим. Уқаларим ҳам спортга қизиқишади. Лекин фақат ўзларини жисмонан чиниктириш учун шуғулланишади.

— **Жуфти ҳалолнингиз жанговар санъат билан шуғулланишингизга қаршилик қилмаётинми?**

— Мутлақо. Турмушга чиқаётганда ҳаётим, асосан, нимага боғлиқлигини жуда яхши биларди. Баъзида машғулотлардан толиқиб уйга қайтман, у эса мени юзиди табассум билан кўтиб олади.

Биласизми, шундай пайларда чарқок нималигини батамом унутиб юборасиз. Менимча, ҳар бир киши яхши билади: оиладаги тинчлик-хотиржамлик ва осийишлатиқ нафақат кўнгидаги, балки жамиятдаги уйғунлиқни ҳам таъминлайдиган қаролатдир.

— **Яккакураш оламида кимларга ҳавас билан қарайсиз?**

— Россиялик боксчи Константин Дзю гоётда кучли спортчи. Ундан ибрат ола арзийди.

— **Ҳозирги пайтда нима билан машғулсиз?**

— Шаҳарчамизда ўзим ташкил қилган кикбоксинг мактаби тўғарағида маҳаллий болалар ва ўсмирларга ушбу спорт тури сирларини ўргатиб, шоғирдлар тайёрлашман. Илгари, жанговар санъат турлари бўйича тўғараклар бўлмаган даврда, уйимдан 30 км узоққа катнаб шуғулланишга мажбур бўлганман. Бугунги манзара бутунлай бошқача. Шаҳримизда «Кикбоксинг мактаби» ишлаб турибди.

— **Орзуингиз?**

— Бусиз яшаб бўлмайди, албатта. Асосий орзуим — доимо рингда бўлиш. Қариб-қартайиб қолганимда ҳам фахрийлар орасида бўлишни, мусобақаларда фаол иштирок этишни хоҳлайман. Ҳаётимни ўзгача тасаввур эта олайман.

Ҳозирги кунда Хнафари Панделли мендан кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони унвонини тортиб олиш учун матч-реваншга ҳозирлик қўраётганидан хабардорман. Мақсадим — чемпионлик камарини сақлаб қолиш.

Сухбатдош:
Пиримкул ДЎСТМУХАММАД,
«Ishonch» мухбири

30 октябр оқшоми пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуаси профессионал бокс ихлосмандлари билан тўлди. Бу ерда бокс бўйича Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиб, жаҳон чемпиони Руфат Рискиев ва у каби юзлаб истеъдодли чарм қўлқоп устасларини етиштирган мураббий Борис Гранаткин хотирасига бағишланган профессионал бокс турнири ташкил этилди.

Юртимизда Артур Григорян, Мухаммадқодир Абдуллаев, Қувончбек Тойғонбоев каби ринг қиролларига ҳавасланиб профи-рингга қадам қўётган ёшларимиз кўпчилигини ташкил этади. Тошкент шаҳри ва вилоятларда янги-янги профессионал бокс клубларининг очилаётгани ҳам шундан. «Жар» шу кунги қўллаб бокс клублари вакиллариини ўзида жамлади.

Уз навбатида турнирнинг очилиш маросимида Борис Гранаткиннинг ўғли Игор Гранаткин барча иштирокчиларни кўтлаб, уларга муваффақият тилади.

Ҳаваскор боксда Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлган, профессионал боксда ҳам ажойиб галабалари билан мухлислар меҳрини қозонган спортчимиз Мухаммадқодир Абдуллаев эса турнир промоутери Омон Раҳимовга Ўзбекистон профи-бокс федерацияси томонидан таъсис этилган «Биллур қўлқоп» эсдалик совғасини топширди.

Шу кунги бир қатор истеъдодли чарм қўлқоп устаслари профи-рингда ўз «дебют»ларини ўтказишди.

Жумладан, Жасур Аҳмадбеков (Локомотив) Бобур Бешимовдан («Ринг»), Аважон Ақромов (АБ Боксинг) Расул Мамаюсуповдан (Маррилон), Олим Назаров (Queen sport) Нодир Исроиловдан (Динамо) дастлабки раундларданок ўз устунлиқларини намойиш этиб, галаба қозондилар.

Мусобақада, айниқса, «Биллур» профессионал бокс клуби боксчилари муваффақиятли қатнашишди. Масалан, Жасур Алижонов фарғоналик Абдуманноп Қўчқоровни, Азамат Маткаримов «Локомотив» ПБК аъзоси Александр Терновенковни, Бахтёр Зокиров «Динамо» ПБК боксчиси Рустам Эргашевни, Носир Рўзиматов Шерзод Абдусатторовни

(«Ринг») мuddатидан олдин мағлубиятга учратди. Яна бир биллурчи Лазиз Боймуродов эса қозғонистонлик тажрибали боксчи, ўзидан 11 ёш катта Тоҳир Ибрагимов билан рингга чиқди. Бу икки спортчининг жанги аслида ўтган йили ташкил этилиши лозим эди. Бироқ То-

Профи-бок

«Жар»да шиддатли жанглар



ҳирнинг жароҳати туйфайли учрашув кейинга қолдирилганди.

Жангга устози Руслан Дадажонов қўл остида пухта ҳозирлик қўрган юрдошимиз барча раундлари хужумкор руҳда ўтказди. Рақиб эса чўқур ҳимояланишдан ўзга чора топа олмади. Лазизнинг тезкор зарбалари эвазига ҳакам 5-раундда ҳисобни очишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, келажик ҳаракатларидан ёрқин кўриниб турган 19 ёшли ҳамюртимиз ўзининг «профи»даги саккизинчи жангида саккизинчи галабасига эришди.

Шунингдек, «Янгиобод» клуби аъзолари (бош мураббий Ботир Зокиров) Бунёд Абдуллаев Артур Нормуратовни («Golden glove»), Фирдавсий Режаметов эса Шерали Бердиқулловни («Golden glove») мағлубиятга учратди.

Уз олдига юксак мақсадларни қўйган профессионал бокс клубларидан бўлимиш

дебютларини ўтказишди.

Шунингдек, жангларда қатнашадиган клублар географияси кенгайди. Фарғонадан, Андижондан, Чимкентдан жамоалар келишди. Қолаверса, пойтахтнинг қатор клублари боксчилари рингга чиқишди.

Ниятимиз, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси кўмағида бу йил биринчи бор ўтган Борис Гранаткин хотира турнирини аънавий мусобақага айлантириш.

Шунингдек, 2009 йил бошларида «Биллур» профессионал бокс клуби аъзоси, иктивдор боксчимиз Бехзод Набиевнинг қитъалараро Intercontinental чемпионлик камари учун жангини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Ақмак АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Гувалакда гимнастика зали

Косон туманининг Гувалак қишлоғида бундан уч йил муқаддам «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси маблағи ҳисобидан 5-ТИПдаги спорт мажмуаси курилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Ҳозирда бу ерда қўллаб спорт турлари билан бирга бадний гимнастика тўғарағи ҳам фаоллият кўрсатмоқда. Гувалакнинг ўнлаб бадний гимнастикачилари республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда голибликни қўлдан бермай келишяпти.

Еш мураббий Сабохат Одилова раҳбарлигида юздан зиёд қишлоқ қизлари нозик спорт билан шуғулланишяпти. Улардан бир гуруҳи Германияда бўлиб, хориж тажрибасини ўрганиб қайтишди.

Шу кунларда туман ҳокимлиги ва «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси ташаббус билан мажмуа ҳудудига янги бадний гимнастика зали қад ростлашяпти.

Тендер нархи 450 миллион сўмини ташкил этадиган замонавий иншоотни Қарши шаҳридаги «Сохибқор — Дилхўш» ҳусусий корхонаси қурувчилари барпо этишяпти.

«ISHONCH» — СИЗНИНГ ДЎСТИНГИЗ

Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юрдошларимиздан эҳсклюзив интерюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз... «ISHONCH» билан дўстлашинг!



Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз... «ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.

«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолагу!

Дзюдо Офарин!

21-29 октябр кунлари Таиланднинг Бангкок шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ташкил этилди.

Унда дунёнинг 88 та давлатдан 500 нафардан зиёд полвонлар гиламга чиқишди.

Бахсларда Фарход Тўраев мураббий бўлган мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этиб, вакилларимиздан 60 кг гача бўлган вазн тоифасида Габит Есимбетов чемпионатнинг бронза медалига сазовор бўлди.

Есимбетов Хитой Тайпей, Вьетнам ва италиялик курашчини ютиб, ярим финалга йўл олди. Бу босқичда рус дзюдочиси устунлик қилган бўлса-да, учинчи ўрин учун баҳсда у Бразилия вакилига имконият қолдирмади.

Қатор халқро турнирлар голиби, республика чемпиони бўлган Габит айни пайтда Чирчиқ Олимпиада захиралари коллежининг 3-босқич талабаси. У жаҳон чемпионати таассуротларини қуйидагича изҳор қилди:

— Жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли полвонлари йиғилди.

Уз муҳбиримиз

Қаҳқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Қарши шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг собиқ раиси

Эломон РАУПОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан унинг яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Дастлаб Таиланднинг об-ҳавосига, оқватларига кўникишимиз қийин бўлди. Бир - икки кун вақт ўтиб, мослашиб кетдик. Мусобақаларга тўхталсам, ярим финалда рус курашчисини мағлуб этганим ҳам мумкин эди. Бироқ ўзимнинг хатоим эвазига бой бердим. Ҳозир устозларим Фарход Тўраев, Исқандар Расулов билан камчиликларни барторарф этиб, олдиндаги турнирларга тайёргарлик кўряпмиз. Декабр ойда Германияда ёшлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилади. Унда голиб чиқишга иштиёқим банд...

ИШОНЧА НАФ КЕПТЕРИШИ
О.К.У.Ф. Е.Т.У.У.
ОШИР БАҚТ

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdulloq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimkul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133; 134

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov
Navbatchi:

A. Abdiyev
Musahhih:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terilish va sahifalandi. Sahifalovchilar: **H.Abdullajilov va Y.Mixaylovskiy**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan fargqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 19.00

Buyurtma T — 1017
9555 nusxada bosildi

2 5 6